ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ АЛИШЕР ИСАКОВИЧ

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МОБИЛ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фани мисолида)

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ЧИРЧИҚ –2021

УЎК:796.01:071:004

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Олимов Алишер Исакович
Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фани мисолида) .....…3

Олимов Алишер Исакович
Совершенствование методики использования мобильных приложений при обучении будущих учителей физической культуры (на примере дисциплины "Теория и методика физической культуры") 29

Olimov Alisher Isakovich
Improvement of the methods of using mobile applications in training future physical education teachers (on the example of the discipline "Theory and methodology of physical culture») .....…….....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...…57

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03./30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

А.ҚОДИРИЙ НОМЛИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ АЛИШЕР ИСАКОВИЧ

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚИТИШДА МОБИЛ ИЛОВАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

(“Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фани мисолида)

13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ЧИРЧИҚ –2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Ped.455 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва "Ziyonet" Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мелиев Хамидулло Абдуллаевич** педагогика фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	**Кошбахтиев Ильдар Ахмедович** педагогика фанлари доктори, профессор
	Болтаев Зайниддин Болтаевич педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат универтисети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03./30.12.2019. Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "___" "_____" соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2 қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети "А" биноси, 1 қават, 111-аудитория).

Диссертация автореферати 2021 йил "____" _____ куни тарқатилган.
[2021 йил "___" _____ да __ рақамли реестр баённомаси]

М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.б.ф.д (PhD)

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда янги технологиялар инсон ҳаётий фаолиятининг ажралмас қисми бўлган жамиятда яшаяпмиз. Ахборот технологияларида инновациялар алоҳида ўрин тутади. Улар инсониятга янги билимлар эгаллаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушни ташкил этишнинг янги усулларидан тезкор фойдаланиш имкониятини беради. Шунинг эвазига технологияларни ҳаётга жорий этиш ва кашфиётларни яратиш бирмунча тезлашмоқда. Таълим тизимига дунё тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралади. Уни такомиллаштириш ва сифатли ташкил қилиш, таълим олувчиларга кафолатланган билимлар бериш механизмларини ўқув-машғулотлар жараёнига жорий этиш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда мобил иловалардан фойдаланиш масаласида илмий тадқиқот ишлари компьютерлаштирилган ўқув муҳити, профессор-ўқитувчилар учун малака ошириш тармоқлари, юзлаб таниқли олий таълим муассасалари ва барча билим соҳаларида ўқув курслари ҳамда дарсликлар кўринишидаги очиқ таълим манбаларини тақдим этувчи электрон фондлар яратиш ва амалиётга жорий этиш юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар етакчи таълим муассасалари томонидан олиб борилмоқда. Мутахассис олимларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, замонавий талабаларнинг аксарияти ўқув жараёнларида мобил технологиялардан фойдаланишга техник ва психологик жиҳатдан тайёр ва бу мобил қурилмалар ҳамда технологияларнинг имкониятларидан янада самарали фойдаланиш учун янги имкониятларни кўриб чиқишни тақозо этади. Ушбу муаммони ҳал қилиш ўқитувчилардан таълим жараёнига ижодий ёндашув ва турли хил ташкилий саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Шу сабабдан олий таълим муассасаларида мобил таълим стратегияси, шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш”[1] масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Республикамизда ёшлар орасида мобил алоқанинг кенг тарқалганлигини инобатга олиб ушбу алоқа турлари олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини оптималлаштиришга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўрганиш зарур. Кўпгина олий таълим муассасаларида

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. «Халқ сўзи» газетаси 2017 йил 6 июн, 111 (6805)-сон.

фанларни ўзлаштиришни енгиллаштириш учун инновацион технологиялардан фойдаланиш тобора кучайиб бормоқда. Аммо “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда ахборот комуникация технологияларидан, хусусан, мобил технологиялардан фойдаланиш йўллари ва унинг самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш масалалари тадқиқ қилинмаган ва айнан шу танланган диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга доир илмий-методик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизнинг қатор олимлар О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиевлар масофавий таълим технологияси ва масофавий таълимнинг дидактик таъминотини, И.А.Эшмаматов замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлилигини ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини шакллантиришни, С.С.Бабаджонов педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиа компетентлилигини ривожлантириш технологияси юзасидан ўз изланишларини олиб борган[2]. Ш.Х.Ханкельдиев, И.А.Кошбахтиев,

[2] О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев Замонавий таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. Тошкент – 2012 й, -111 б., С.С.Бабаджонов педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси («Информатика ва ахборот технологиялари» фанини ўқитиш мисолида) 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Тошкент – 2018 й, -48 б., Эшмаматов Исмоил Абсаламович “Замонавий ахборот технологиялари муҳитида педагогларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг назарий педагогик асосларини шакллантириш” 13.00.01 –

Ф.А.Керимов, Р.С.Саломов, Ю.М.Юнусова олий таълим тизимида педагогик методларни ишлаб чиқиш, таълим мазмунини такомиллаштириш[3], ёш олимлардан Д.К.Исмагилов спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабаларни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш, А.А.Танибердиев олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш, Х.Тўхтахўжаев педагогика олий таълим муассасаларида талабалар таълимини индивидуаллаштириш (жисмоний тарбия мисолида), М.М.Махмудова миллий спорт турини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари талаба қизларининг жисмоний тайёргарлигни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борган[4].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан А.Ж.Амиров, А.М.Ашимбекова, А.В.Виневская ва бошқалар олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида замонавий мобил иловаларнинг роли, Н.Г.Бондаренко мобил таълимнинг дидактик хусусиятлари ва функциялари, И.Н.Голицина, Половникова Н. Л. мобил ўқитиш таълимида замонавий ўқитиш технологиялари каби масалаларни тадқиқ этган[5]. Т.В.Каткова, П.К.Петров, А.М.Абрамян ва бошқалар томонидан бўлажак жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни ўқитишда компьютер технологияларини қўллашнинг илмий-методик жиҳатлари тажрибада исботланган[6].

Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи. педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2018 й, -48 б.

[3] Ханкельдиев Ш.Х. Педагогические особенности физического воспитания учащейся молодежи в регионах с жарким климатом.: Автореф. дис.… д-ра. пед. наук. - М., 1991. - 47 с., Кошбахтиев И.А. Научно педагогические основы совершенствования физического воспитания студентов: Дис.… д-ра пед. наук. -Т., 1993. - 205 с. Salomov R.C., Kerimov F.A. Jismoniy tarbiyada pedagogik texnologiylar (O'quv qo'llama). T.: O'zDJTI nashriyot - matbaa bo'limi, 2009. -139 b., Юнусова Ю.М. Теория и методика физической культуры. - Т.: Iqtisod-Moliya, 2007. - 311 с.

[4] Д.К.Исмагилов "Спортга йўналтирилган жисмоний тарбия асосида талабаларни жисмоний такомиллаштиришни оптималлаштириш методларини ишлаб чиқиш" Пед. ... ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ – 2018, -60 б., Х.Б.Тухтахўжаев педагогика олий таълим муассасаларида талабалар таълимини индивидуал-лаштириш (жисмоний тарбия мисолида). Пед. ... ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ – 2018, -59 б., А.А.Танибердиев "Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия дарслари учун кластер модулини ишлаб чиқиш" Пед. ... ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ - 2019, -60 б., М.М.Махмудова "Миллий спорт турини қўллаган ҳолда олий таълим муассасалари талаба қизларнинг жисмоний тайёргарлигни такомиллаштириш". Пед. ... ф.б.ф.д (PhD) диссертацияси автореферати. Чирчиқ – 2020, -59 б.

[5] Амиров А.Ж., Ашимбекова А.М., Темирова А.Е.Роль современных мобильных приложений в учебном процессе вуза // Молодой ученый. 2017. №1. С. 13-15., Виневская А. В. Использование потенциала информационных технологий в создании мобильной образовательной среды // Концепт. 2012. №9. С. 78–84., Бондаренко Н. Г. Дидактические свойства и функции мобильного обучения [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования. - 2014. - № 6. - Режим доступа: www.scienceeducation.ru/120-15552, Голицына И. Н., Половникова Н. Л. Мобильное обучение как новая технология в образовании // Образовательные технологии и общество. 2011. №1. С. 241–252.

[6] Каткова Т.В. Разработка и реализация электронного учебно-методического комплекса в образовательном процессе подготовки специалистов в вузах физической культуры: Автореф.дис.… канд. пед.наук. Смоленск. 2007. – 20 с., Петров П.К. Система подготовки будущих специалистов физической культуры в условиях информа-тизации образования: Автореф.дис.… доктор пед.наук. Ижевск. 2004. – 44 с., Абрамян А.М. Подготовка бакалавров по физической культуре в области использования информационных и коммуникационных технологий в педагогической и тренерской деятельности: Автореф.дис.… канд. пед.наук. Москва. 2012. – 22 с.

Таълимда замонавий ахборот технологиялари, ўқув жараёнини компютерлаштиришнинг айрим масалалари, замонавий видеотехникалардан фойдаланиш, компьютер анимацияси визуал фикрлаш воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлашда замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти, ахборот технологияларининг мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишдаги аҳамияти И.В.Роберт, З.Х.Раҳимов, В.Н.Плахотя, А.Б.Соловьев, А.П.Плошчакова, В.Н.Хаспеков, Н.П.Петрова, П.К.Петров, С.В.Гурьев, Л.В.Орешкина каби олимлар томонидан ўрганилиб илмий-услубий ишларида очиб берилган[7].

Хорижий олимлардан таълим жараёнида ахборотлашган тизимларни яратиш, хусусан мобил иловалардан фойдаланиш масалалари A.Victor, L.Dias, B.J. Retos, D.Parsons, P.Yang, H.Xue, P.Aubusson, S.Schuck, K.Burden, J.Wishart, P.Palička, L.Jakubec, J.Zvoníček, I.M.Poluliashchenkoлар томонидан тадқиқ қилинган[8]. Мазкур илмий изланишларда педагог кадрларни тайёргарлигининг турли жиҳатлари, яъни инновацион ва педагог фаолиятга тайёргарлиги, ахборот-комуникацион технологиялардан фойдаланиш имкониятлари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтказилган илмий-услубий адабиётлар таҳлилидан кўринадики, бугунги кунда олий таълим мауссасаларида жисмоний маданият ихтисослиги бўйича таҳсил олувчи талабаларни ўқитишда замонавий талабларга жавоб берадиган

---

[7] Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы, перспективы использования. - М.: Школа-Пресс, 1994. -45 с., Рахимов З.Х., Плахотя В.Н. Некоторые вопросы компьютеризации учебного процесса // Среднее специальное образование. - 1997. - № 10. - С. 24-26., Соловьев А.Б. Педагогические условия использования средств мультимедиа в совершенствовании образовательного процесса по дисциплине «Гимнастика» в вузе: Автореф.дис.… канд. пед. наук. Тамбов. 2010. – 23 с., Площакова А.П., Хаспеков В.Н. Использование современной видеотехники в методической работе // Среднее специальное образование. - 1997. -№5-6. - С. 31-34. Петрова Н.П. Компьютерная анимация как средство визуального мышления // Информационные технологии. - 1998. - № 2. - С. 216-219., Петров П.К. Современные информационные технологии в подготовке специалистов по физической культуре и спорту (возможности, проблемы, перспективы) // Теория и практика физической культуры. - 1999. - № 10. - С.6-9., Гурьев С.В. Современные информационные технологии в физической культуре и спорте: монография / С. В. Гурьев. Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2014. -84 с., Орешкина Л.В. Современные информационные технологии как средство повышения качества подготовки специалистов // Среднее специальное образование. - 1997. - № 5-6. -С. 16-19.

[8] A.Victor, L.Dias Teaching and Learning with Mobile Devices in the 21st Century Digital World: Benefits and Challenges. // European Journal of Multidisciplinary Studies.- 2017. Volume 2, Issue 5. P-339-344., B.J.Retos U oportunidades de la tecnología móvil en la educación física. Challenges and opportunities of mobile technology in physical education. Retos: nuevas tendencias en educación física, deporte y recreación. 2020. www.researchgate.net/publication/334625774, D.Parsons The Future of Mobile Learning and Implications for Education and Training, Chapter: 16. Publisher: Commonwealth of Learning Press. 217-229 pp. (2014)., P.Yang, H.Xue Research and application of mobile teaching platform. IOP Conf. Series: Journal of Physics: Conf. Series 887 (2017) Beijing Polytechnic, Beijing., P.Aubusson, S.Schuck, K.Burden Mobile learning for teacher professional learning: benefits, obstacles and issues, ALT-J, 2009.-P.233-247., J. Wishart Use of mobile technology for teacher training. In Mobile learning: Transforming the delivery of education and training, ed. M. Ally, 2009. –P.265–278. Edmonton, Canada: Athabasca University Press., P.Palička, L.Jakubec, J.Zvoníček. Mobile apps that support physical activities and the potential of these applications in physical education at school. 10th INSHS International Christmas Sport Scientific Conference, International Network of Sport and Health Science. Szombathely, Hungary. Volume 11. 2016. S176., I.M.Poluliashchenko. (2020) Professional Training of Future Teachers of Physical Culture as an Important Component of Patriotic Education. International Journal of Innovative Technologies in Social Science. 6(27). doi: 10.31435/rsglobal_ijitss/30092020/7175.

мобил иловаларни яратиш ва уларнинг самарадорлигини педагогик тажрибада асослаш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг V.I.1. “Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш асосида терма жамоаларда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида касбий-педагогик кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш учун педагогик назорат қилиш тизимига янги тузатиш блокини киритиш ҳисобига касбий фаолиятга тайёрлаш имконияти кенгайтириш;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасида муҳим ҳисобланган касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги, хусусиятлари бўйича “Jismoniy madaniyat”, “Lectionsport” ва “JMNvaU innovatsion test” мобил иловаларга методика ишлаб чиқиш;

талабаларга фанни ўқитиш методикасида мобил иловалардан тизимли фойдаланиш бўйича ҳаракатли ўйинларни жисмоний сифатлар даражасига мослаштириш ҳисобига талабаларнинг назарий ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини такомиллаштириш;

амалдаги малака талаблари бўйича таълим тизимига назорат–тузатиш воситаларни киритиш ҳисобига касбий тайёрлаш механизми такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах давлат педагогика институтининг жисмоний маданият таълим йўналиши 122 нафар талабаси жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, педагогик назорат, анкета, суҳбат, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлили усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ўқув, услубий, инновацион-педагогик фаолиятларни эътиборга олиб якуний бўғин

сифатида мақсадли компонент даражасини педагогик назорат қилиш тизимига тузатиш блокини киритиш ҳисобига касбий фаолиятга тайёрлаш имконияти кенгайтирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасида муҳим ҳисобланган касбий-амалий жисмоний тайёргарлиги, технологик, рефлексив, индивидуал ривожлантириш хусусиятларига устуворлик бериш, компетенциявий ёндашувларга асосланган “Jismoniy madaniyat”, “Lectionsport” ва “JMNvaU innovatsion test” мобил иловаларга методика ишлаб чиқиш хисобига талабаларнинг мустақил назарий-амалий ўзлаштириш имконияти кенгайтирилган;

талабаларга фанни ўқитиш методикасида мобил иловалардан тизимли фойдаланиш асосида дистант таълим тамойили бўйича, жисмоний тайёргарлигидан келиб чиқиб ҳаракатли ўйинларни жисмоний сифатлар даражасига мослаштириш ҳисобига талабаларнинг назарий ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини оширишнинг илмий услубияти такомиллаштирилган;

амалдаги малака талаблари асосида таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, педагогик таълим тизимининг тенденцияларига мувофиқ, назорат–тузатиш воситаларни қўллаш ҳисобига бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий тайёрлаш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишни ахборотли таълим мухити асосида ташкиллаштириш технологияси, мазкур фанга оид маълумотларни интеграция-лашнинг ахборотли таъминотларидан самарали фойдаланишнинг имкониятлари аниқланган ва булар бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг ахборотли тизимини ишлаб чиқишга дастурий-дидактик асос бўлди ва шу асосда кўмакчи мобил иловалар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш орқали ўрганилаётган манба ҳақидаги маълумотларни ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўрганишнинг педагогик шарт-шароитлари амалий-методик жиҳатидан асосланган ва бу бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг мустақил равишда ўз устида ишлашларига кенг имкониятлар яратган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларни мобил иловалардан фойдаланган ҳолда билимларини шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари такомиллаштирилган ва тажриба-синов ишларида унинг самарадор эканлиги эришилган натижалар асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси билишнинг диалектик усули

ҳамда жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси соҳасидаги республикамиз ва чет эл олимлари, шунингдек, ушбу соҳанинг етук мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос бўлган бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усулларининг қўлланилганлиги, тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасалари талабаларига “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил таълим тизимидан фойдаланиш механизми илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда бош саҳифа, бошқариш менюси, семестрлар бўйича маърузалар, интернет манбалари манзиллари, фан юзасидан тест саволлари, масофавий таълим платформа манзиллари, фан юзасидан глоссарий интерфейси, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва муаллифлар интерфейси мавжуд бўлган мобил иловаларнинг ишлаб чиқилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда мобил иловаларни қўллаш методикасини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажрибалар асосида:

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида мақсадли компонент даражасини педагогик назорат қилиш тизимига тузатиш блокини киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” (2-босқич талабалари учун) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғига асосан 285-065 рақамли гувоҳнома). Натижада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашнинг дидакти таъминоти ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 12-14 % ошишига хизмат қилган;

бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида мутахассислик фанлари мазмунини интегратив ёндашув асосида ўқитишга йўналтирилган мобил иловалардан фойдаланиш бўйича таклифлар олий таълим муассасаларида “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2554-сон маълумотномаси). Натижада 3-семестрдаги 1-мавзуни ўзлаштириш 19%га, 2-мавзуни ўзлаштириш 21%га, 3-мавзу бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 23%га, мустақил таълим топшириқларини ўзлаштириш 17% га яхшиланган;

талабаларга фанни ўқитиш методикасида мобил иловалардан тизимли фойдаланиш асосида дистант таълим тамойили бўйича, ҳаракатли ўйинларни

жисмоний сифатлар даражасига мослаштириш ҳисобига талабаларнинг назарий ҳамда жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш бўйича таклифлар “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалар Жиззах давлат педагогика институтининг талабалари ўқув жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 89-03-2554-сон маълумотномаси). Натижада 3-семестрда 1-оралиқ назорат бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 19%га, 2-оралиқ назорат бўйича ўзлаштириш 21%га, якуний назорат бўйича ўзлаштириш 28%га яхшиланган;

амалдаги малака талабларининг механизмлари асосида назорат–тузатиш воситаларни қўллаш ҳисобига ишлаб чиқилган бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий тайёрлаш тизимининг модели бўйича тавсиялар “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” (2-босқич талабалари учун) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги 285-сонли буйруғига асосан 285-065 рақамли гувоҳнома). Натижада “Жисмоний маданият тизимининг қонун-қоидалари” деб номланган мавзунинг ўзлаштирилиши педагогик тажрибадан сўнг тажриба гуруҳи талабаларидан 39% – “аъло”, 31% – “яхши”, 20% – “қониқарли”, 10% – “қониқарсиз”, назорат гуруҳида эса мос равишда 23% – “аъло”, 25% – “яхши”, 28%– “қониқарли”, 24% – “қониқарсиз” баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг хажми 117 бет компьютер матнидан иборат бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Олинган маълумотлар 10 та жадваллар ва 12 та расмлар билан иллюстрация қилинган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот

натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашнинг замонавий муаммолари”** деб номланган биринчи бобида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий муаммолари ва талаблари, мобил таълимнинг дидактик имкониятлари – замонавий таълим технологиялари, ўқитишнинг фаол усуллари ва техник воситалари сифатида фаолиятли ва компонентли ёндашув тамойилидан фойдаланиш, олий таълим муассасаларида жисмоний маданият йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни жисмоний тарбиялаш тизимида назарий тайёргарликнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдида ўқитувчининг энг муҳим касбий фазилатларини мақсадли ривожлантириш, талабаларни кейинги фаолиятида фойдаланиш педагогик, илмий тадқиқот, маънавий-маърифий ва ташкилий-бошқарув тажрибаларини ўзлаштиришнинг фаол усулларига жалб қилиш вазифаси турибди.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари жисмонан ва маънан тарбияланганлиги, келажакда тарбияланувчиларни спортга жалб қилиш қобилиятига эга бўлиши зарур. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги тизимининг ҳолатини, мавжуд тизим натижаларини тавсифи ва баҳолашини ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари ва йўлларини аниқлаш учун қуйидагиларни эътиборга олиш лозим: жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиш йўналишлари; педагогик таълимнинг асосий янгиликлари; юртимизда ва хорижда жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини ривожлантириш тенденциялари; олий педагогик маълумотли мутахассисларни тайёрлашнинг таълим тизимини ривожлантиришнинг истиқболли моделларини такомиллаштириш лозим.

Моделлаштириш усули муаммони ҳал қилишнинг мақбул усулларини танлашни таъминлайди, маълум хусусиятларнинг ривожланиш динамикасини кузатади, ўзгаришни ўз ичига олади.Ўқитиладиган объектнинг ўзгаришига қараб педагогик таъсир усуллари нафақат ўқув жараёнининг боришини, унинг ривожланишини, балки у содир бўладиган шароитларни ҳам таҳлил қилишга имкон беради. Таклиф этилаётган механизм бизнинг фикримизча, малакали жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашни таъминлайди (1-расмга қаранг).

Механизмда якуний бўғин сифатида - муаммоларни ҳал қилиш ва мақсадга эришиш даражасини баҳолаш, яъни жисмоний тарбия ўқитувчиларини олий ўқув юртларида ўқитишнинг якуний босқичида педагогик назорат (аттестация) орқали бажариладиган натижани тавсифлаш.



1-расм. ОТМларда жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш механизми

Изоҳ: ОТМ – Олий таълим муассасаси, ЖТваС-жисмоний тарбия ва спорт, ДТС-давлат таълим стандартлари

Бу натижаларни таҳлил қилиш асосида таклиф этилаётган методик асослар ва педагогик шартларни педагогик жиҳатдан тузатиш амалга оширилади.

Жисмоний тарбия шахснинг муҳим инсоний хусусиятлари ва сифатларини ривожлантиришнинг қудратли омилидир. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари турли ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-маданий шароитларда касбий фаолиятга тайёр бўлишлари лозим.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини яратиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малака, билимларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир.

Узлуксиз касбий (педагогик) таълим тизимида ҳар томонлама ривожланган, маънавий жиҳатдан бой, ижтимоий жиҳатдан фаол, интеллектуал-ижодий, касбий-креатив, коммуникатив-фаолиятли шахснинг шакллантирилиши назарда тутилган. Муаммонинг ҳозирги кундаги ишлаб чиқилганлик даражаси қамровидан келиб чиқиб, жисмоний тарбия ва спорт бўйича кадрларни тайёрлашда ОТМларнинг профессионал касбий жихатларга қараб жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ўқув-услубий, тадқиқот ва инновацион-педагогик фаолиятларини эътиборга олиб тайёрлаш лозим.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги - бу олий таълим муассасасида ўқиш жараёнида самарали профессионал фаолият учун етарли даражадаги малакани олиш ва ривожлантиришга қаратилган мураккаб кўп қиррали тизимдир. Унинг ишлаши ва ривожланиши қонуниятларини билиш жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий ва педагогик тайёргарлигининг йўналишини, тузилиши ва мазмунини ҳамда соҳада ишлайдиган ўқитувчилар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари турли ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-маданий шароитларда касбий фаолиятга тайёр бўлишлари лозим. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тизимини яратиш, соҳа учун етук кадрлар тайёрлаш, ўқув-малака, билимларини замон талаблари асосида ошириб бориш муҳим муаммолардан биридир.

Таълим тизимининг таркибий қисмлари, вазифалари ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашни таъминлайдиган механизмини аниқлаб, биз олий таълимда жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий тайёрлаш тизимининг компетенциясига йўналтирилган тизимли ва функционал модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).

Моделнинг тузилишида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини касбий фаолиятнинг концептуал-мақсадли блоки, режалаштириш блоки, ташкилий-технологик блоки, назорат –тузатиш блоки асосида касбий тайёргарликни оширишнинг психологик ва педагогик шартлари, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг тайёргарлигини баҳолаш, малакали жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнинг педагогик мохияти, жисмоний тарбия ва педагогик таълим тизимининг тенденциялари ҳақидаги қарашларига мувофиқ, яхлит таълим тизимининг ҳар бир компонентини амалга ошириш мазмуни, тамойиллари, усуллари ва услубларига зарур ўзгартиришлар киритилган.



2-расм.Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ўқитувчиларини касбий тайёрлаш тизимининг модели

Изоҳ: ОТМ – Олий таълим муассасаси, ЖТваС-жисмоний тарбия ва спорт.

Диссертациянинг **“Тадқиқот методлари ва уни ташкиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида илмий-методик адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, анкета сўрови, эксперт баҳолаш методлари, педагогик тажриба, математик статистика методлари ва тадқиқотни ташкиллаштириш юзасидан маълумотлар келтирилган.

Биринчи босқич бошланғич тадқиқотлардан ташкил топган бўлиб, 2016–2017 йиллар давомида бажарилган ва бу босқичда тадқиқ қилинаётган масалага оид мавжуд илмий–методик адабиётлардаги маълумотлар, соҳа бўйича илғор тажрибалар, тадқиқотчиларнинг тажрибалари таҳлил қилинган ва умумлаштирилган. Бу босқичда тадқиқот ишлари талабаларни алоҳида гуруҳларга жамлашга бўлган замонавий ёндашувлар, ушбу гуруҳларни тақсимлашнинг услублари ва тамойилларини ўрганишга, олий таълим муассасаларида талабаларнинг фаолиятини баҳолашга, жисмоний тарбия соҳасида қўлланилаётган янги таълим технологиялари ва методлари ҳақидаги статистик маълумотларни йиғиш ва тизимлаштиришга йўналтирилди.

Ўтказилган таҳлил натижалари тадқиқот ишининг таркиби ва йўналишларини асослаш, шунингдек, тадқиқот вазифаларини ҳал қилишда маълум бир ишларни бажариш кетма–кетликларига аниқлик киритиш имконини берди.

Иккинчи босқич (2017–2018 йиллар) “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитиш жараёнини оптималлаштириш ва таълим беришда мобил иловалардан фойдаланиш бўйича назарий тадқиқотларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади. Бунда талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд қилиш, статистик таҳлил ишлари амалга оширилди.

Учинчи босқич (2018–2019 йиллар) давомида “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда қўлланиладиган мобил иловаларни яратиш ишлари амалга оширилди. “ЖМН ва М фанидан инновацион тест”, “Lectionsport” ҳамда “Jismoniy madaniyat” номли мобил иловалар ишлаб чиқилди.

Тўртинчи босқичда (2019–2020 йиллар) “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш механизми такомиллаштирилди. Бунда “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фани бўйича “ЖМНваМ фанидан инновацион тест”, “Lectionsport” ва “Jismoniy madaniyat” номли мобил иловалар педагогик тажрибада қўлланилди.

Диссертациянинг **“Олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанидан ўзлаштириш кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи бобида олий таълим муассасаларида жисмоний маданият йўналиши бўйича таҳсил олувчи талабаларга “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси” фанини ўқитишда мобил иловалардан фойдаланиш аҳамияти, 3-4-семестрларга мўлжалланган

мавзулар юзасидан ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Жисмоний маданият таълим йўналиши бўйича юқори босқичларда таҳсил олаётган бўлажак мутахассислар орасида анкета сўрови ўтказдик ва бугунги кунда ахборот олиш ҳамда ўз мутахассислиги бўйича фанлардан билимларни эгаллашда қандай воситалардан фойдаланиш уларга қулайлигини ўргандик (3-расмга қаранг).

Жиззах Давлат педагогика институти талабаларининг 24,7%, Навоий Давлат педагогика институти талабаларининг 27,2%, Гулистон давлат университети талабаларининг 29,5% ўз соҳалари бўйича маълумотлар олишда ва фанлардан билимларини оширишда ахборот-ресурс марказидан фойдаланар эканлар.



3-расм. Жисмоний тарбия ва спортга доир маълумотлар олиш ва мутахассислик буйича фанларни узлаштириш учун булажак мутахассислар томонидан фойдаланиладиган воситалар (%)

Изоҳ: ЖДПИ – Жиззах давлат педагогика институти, НавДПИ - Навоий давлат педагогика институти, ГулДУ - Гулистон давлат университети, АРМ-ахборот-ресурс маркази, Моб.тел.- мобиль телефон.

Респондентлар орасида ЖДПИ нинг 20,8%, НавДПИ нинг 27,2%, ГулДУ нинг 17,9% талабалари шахсий компьютердан фойдаланишларини маълум қилишган. Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши ушбу соҳада ҳам катта ўзгаришларга олиб келмоқда. Мобил телефонлардан аввал фақат алоқа воситаси сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирда турли операцион тизимли смартфонлар компьютер бажарадиган ишларнинг деярли ҳаммасини амалга оширмоқда. Шу сабабли респондентлар орасида ЖДПИ нинг 54,5%, НавДПИ нинг 45,7%, ГулДУ нинг 52,6% талабалари мобил телефонлар орқали ишлашни афзал кўришар экан.

Сўровнома иштирокчилари интернетдан фойдаланишда шахсий компьютер ёки мобил телефондан қайси биридан кўпроқ фойдаланишларини ўргандик (4-расмга қаранг).

Сўралганлардан ЖДПИ нинг 9,1%, НавДПИ нинг 11,1%, ГулДУ нинг 21,8% талабалари шахсий компьютер орқали интернет тизимидан фойдаланишларини маълум қилган. Респондентлардан олинган маълумотлардан маълум бўлдики, ЖДПИ нинг 90,9%, НавДПИ нинг 88,9%, ГулДУ нинг 78,2% талабалари мобил телефонлар орқали ишлашни афзал кўришар экан.



4-расм. Бўлажак мутахассислар томонидан интернет тизимида ишлаш учун фойдаланиладиган воситалар (%)

Изоҳ: ЖДПИ – Жиззах давлат педагогика институти, НавДПИ - Навоий давлат педагогика институти, ГулДУ - Гулистон давлат университети, Моб.тел.- мобиль телефон.

Мобил иловаларнинг замонавий талаблар асосида қизиқарли, тўғри ва аниқ ишлаб чиқилиши ўқитишнинг самарадорлигига ва бўлажак мутахассисларнинг мустақил равишда ўз билимлари, касбий малака ва маҳоратларини оширишига таъсир қилиши мумкин. Талабаларга билим беришда мобил иловалардан фойдаланиш ғоясини амалга оширишнинг кўпгина жиҳатлари мавжуд. Ўз олдимизга тўғри мақсад қўйиб, барча афзалликлар ва камчиликларни қараб чиқиб, замонавий таълим жараёни сифатини ошириш учун мустаҳкам база яратиш, яъни замон билан ҳамнафас бўлиш мумкин.

Талабаларнинг билимларини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги Низомда кўрсатилган “Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари” асос қилиб олинди.

Ўтказилган таҳлил натижалари қуйидагича бўлди. Иккинчи босқич талабаларини ўқитишда учинчи семестрда ўқитиладиган фаннинг биринчи мавзуси “Жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанининг мақсад ва вазифалари” бўлиб, мазкур мавзу юзасидан қуйидагиларни ўрганиш режалаштирилган (5-расмга қаранг). Биринчи мавзуни ўзлаштириш юзасидан

ўтказилган статистик таҳлиллар натижасида қуйидаги маълумотлар олинди. Унга кўра, НамДУда таҳсил олувчи талабалар ўртача 3±0,24 балл, БухДУда таҳсил олувчи талабалар ўртача 3,5±0,71 балл билан, ЖДПИ талабаларининг биринчи жорий назоратдан олган баллари ўртача 4±0,27 балл ва ГулДУ талабаларида эса ўртача 4±0,35 балл билан баҳоланган.

Аниқланган натижалар олий таълим муассасаларида жисмоний маданият назарияси ва методикаси фанини ўқитишда қўлланиладиган восита ва усуллар замонавий педагогик талабаларга жавоб бермаслигини тасдиқлайди.



5-расм. Жисмоний маданият йўналишида таҳсил олувчи 2-босқич талабаларининг 3-семестрдаги жорий назоратдан ўзлаштириш кўрсаткичлари (балл)

Изоҳ: НамДУ - Наманган давлат университети, БухДУ – Бухоро давлат университети, ЖДПИ – Жиззах давлат педагогика институти, ГулДУ - Гулистон давлат университети.

Диссертациянинг “**Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда мобил иловаларни қўллаш самарадорлиги**” деб номланган тўртинчи бобида педагогик тажриба давомида тадқиқ қилинган назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг назарий билимлари ва жисмоний тайёргарликлари кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

Педагогик тажриба Жиззах давлат педагогика институтининг “Жисмоний маданият” факультетида “5112000-жисмоний маданият” таълим йўналишида талабалари ўртасида ўтказилди. Умумий иштирокчилар 122 нафар, шулардан 58 нафари тажриба, 64 нафари назорат гуруҳларида иштирок этишди.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини ўқитишда “Lectionsport” ва “Jismoniy madaniyat” номли мобиль иловалардан фойдаланиш бўйича

ўтказилган тажрибалар талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасига таъсирини ўрганиш учун биз алохида тажриба ва назорат гурухидаги 18-21 ёшдаги ўғил бола талабалар орасидан аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи "Алпомиш ва Барчиной" махсус тестлари асосида тажриба (25 нафар) ва назорат гуруҳи (25 нафар) шакллантирилиб синовини олиб бордик.

